

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ЁРҚИН БАЙРАМИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП
ТОШКЕНТ ШАҲАР
КОМИТЕТИ ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР
СОВЕТИНИНГ
ОРГАНИ

№ 208 (5197).

10

СЕНТЯБРЬ 1983 й.

ШАНБА

Газета 1986 йил
1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

Тошкентда тантанали йиғилиш

Ранго-ранг байроқлар, паннолар ва транспарантлар Ўзбекистон пойтахтининг кўча ва майдонларига янада кўркамлик бахш этган. Ҳамма жойда—кўп қаватли иморатларнинг пештоқларида, трамвайлар, автобуслар, троллейбусларнинг ёнларида тантана санасини билдирувчи «2000 йил» деб ёзиб қўйилган. Мамлакатимиз Шарқдаги энг катта индустрия ва маданият маркази, меҳнат ва мардлик шаҳри, ҳаёли равишда Шарқ урду деб аталувчи шаҳар — Тошкент инки минг ёшда.

Бу шаҳарнинг овозига — Тинчлик ва Дўстлик овозига барча қитъалардаги миллион-миллион кишилар қўлоқ солимоқдалар. Шаҳар меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари ва Улуғ Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, ҳўжалик ва маданият қурилишида эришган муваффақиятлари учун ва асос солинганлигининг 2000 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳри Ленин ордени билан мукофотланганлиги байрамга алоҳида файз киритди.

Тошкентликлар шонли юбилейни муносиб кутиб олдилар. Юбилей арафасини улар партия XXVI съезди тошхирқларини муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақада янги ютуқлар билан, Ёр юзидagi тинчликнинг ишончли таянчи — социалистик Ватан қудратини ҳар томонлама ошириш йўлидаги умумхалқ курашига кўпроқ ҳисса қўшиш билан нишонладилар. КПСС Марказий Комитетининг 1982

(Давоми учинчи бетда).



Тошкентнинг 2000 йиллигига ҳамда шаҳарга Ленин ордени тошхирқлигига бағишланган тантанали йиғилиш президуми.

В. Молгачев ва Л. Гусевлар фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси
Марказий Комитетига

КПСС Марказий Комитети Бош секретари
СССР Олий Совети Президуми Раиси

Ўртоқ Юрий Владимирович АНДРОПОВга

Биз, Тошкентнинг 2000 йиллигига ва шаҳарга Ваганнинг олий мукофоти—Ленин ордени тошхирқлигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари саркувеш Ўзбекистон пойтахтининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан совет кишиларининг бахт-саодати ҳақида, жаҳонда биринчи социализм мамлакатининг иқтисодий ва муҳофаа қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида, бутун жаҳонда тинчлик тўғрисида доимо ғамхўрлик учун жонажон ленинчи партияимизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитетига, азиз Юрий Владимирович, Сизга чиқ қўнгилдан миннатдорчилик ва самимий ташаккур сўзларини изҳор қиламиз.

Биз Тошкент меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматларига, уларнинг фашистлар Германияси устидан қозонилган Вуюк Ғалабага қўшган ҳиссаси, ҳўжалик ва маданият қурилишида эришган муваффақиятларига юксак баҳо берилганлигидан астойдил миннатдоримиз.

Тошкент барпо этилган пайтдан буён йигирма аср ўтди, аммо унинг чин тарихи — тинчлик ва раванқ топиш даври Улуғ Октябрдан кейин Тошкент пролетариати синфдош қардошлари — Петроград, Москва ишчилари ва революцион Россиядаги бошқа марказларнинг ишчилари билан бир сафда туриб, милсиз мардлик ва қаҳармонлик кўрсатган ҳамда кўп сонли душманларга қарши ҳаёт-мамот жангида Совет ҳўқимиятини қаттиқ туриб ҳимоя қилган пайтда бошланди.

Тошкент пролетариатининг Совет ҳўқимияти дастлабки йилларида кўрсатган жасорати Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Тошкент пролетариатининг ана шу жасорати, улуғ марксизм-ленинизм ишига, пролетар интернационалига садоқати, унинг улуғ рус халқи билан, Советлар мамлакатидagi бошқа халқлар билан мустаҳкам дўстлик, қардошлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари социалистик ўзгаришларни амалга ошириш учун, шаҳар экономикаси ва маданиятини, кўп тармоқли бутун ҳўжалигини мавж уриб юксалтириш учун мустаҳкам неғиз яратди.

Тошкент ҳўзирги кунда мамлакатдаги энг йирик индустриал, илмий ва маданият марказларининг бири бўлиб қолган экан, бу—аввало, партияимиз доно ленинчи миллий сиёсати натижаси, пролетар интернационализи, халқлар монолит дўстлиги ғояларининг тантанаси самарасидир.

Совет кишиларининг мустаҳкам бирлиги ва маъсадларининг муштараклиги, ўзаро ёрдами шаҳар табиий офатга дучор бўлган кунларда янада зўр куч билан намойён бўлди. Тошкентликлар, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари партия ва ҳўқуматнинг, барча қардош халқларнинг бебаҳо ёрдамини ҳеч қачон есдан чиқармайдилар. Зяъила натижасида вайрон бўлган Тошкент улар

нинг ёрдами туғайли қисқа вақт ичида харобалар ўрнида қад қўтарди, аввалдагига нисбатан навқирон ва бекиёс кўркам бўлиб қолди.

Эндиликда ноёб архитектура ансамбллари, гўзал уй-жой микрорайонлари, кенг проспектлар, янги боғлар, хўбон ва майдонлар Совет Ўзбекистони пойтахтининг ҳўсига ҳўси қўшмоқда. СССРдаги барча миллат ва элгаларнинг вакиллари бу ишга ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшдилар. Ҳаммаша миннатдор тошкентликлар кўп проспект ва майдонлари, кўча ва боғларни халқлар дўстлиги номи билан атадилар.

Ўзбекистон пойтахти турли халқлар анжуманлар, олимплар, адабиёт ва санъат арбобларининг учрашувлари ўтказилган анъанавий жой бўлиб қолганлигидан фахрланамиз. Бу ерда «Тошкент руҳи» вужудга келди. «Тошкент руҳи» тинчлик ва дўстликни, тараққиёт ва ҳамжиҳатликни мунассамлаштиради.

Шаҳар меҳнаткашлари ўзларининг юбилей санасини сиёсий активлик ва меҳнат гайрати гойат ўсган бир вазиятда кутиб олмоқдалар. Улар жонажон Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашиб, унинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қўндалик фаълятини, азиз Юрий Владимирович, Сизнинг бутун жаҳонда тинчлик ҳақида, коммунизм кураётган совет кишиларининг бахт-саодати тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигининг яқинлиги билан маъзулламоқдалар ва қизгин қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз меҳнатимизга юксак баҳо берилганлигига жавобан ленинчи Коммунистик партиянинг жанговар штабининг ишонтириб айтганики, 1983 йил планини бажаришга ватанпарварларча қўшаётган ҳиссамизни қўлайтираемиз, бу планининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаймиз ва плавдан ташқари 50 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қиламиз. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини муваффақиятли амалга оширишга муносиб ҳисса қўшамиз, интизом ва тартибни доим мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш учун бутун куч-гайратимизни сарф қиламиз. 1983 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планлари ҳамда мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаймиз.

Ленинча, коммунистларча яшаймиз ва ишлаймиз, янги шонли ишларимиз билан Улуғ Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлайверамиз!

Коммунизм кураётган, бутун жаҳонда тинчлик учун садоқат билан курашаётган совет халқига шон-шарафлар! Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — Ленин партияси доим яшайверсин ва яшнайверсин!

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Азиз ўртоқлар! Бугун биз тантанали кунни нишонлаймиз. Тошкентга Ленин ордени тошхирқлимоқда. Тошкент меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари ва Улуғ Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, ҳўжалик ва маданият қурилишидаги муваффақиятлари учун ҳамда асос солинган кунига 2000 йил тўлиши муносабати билан шаҳар, Ватаниннг олий мукофотига сазовор бўлди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари бўлган сизларни, Тошкент шаҳри ва республиканиннг барча меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президуми ва СССР Министрлар Совети номидан юксак мукофот билан астойдил муборакбод этишга ва бахт-саодат, эсон-омонлик, улуғ социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги меҳнатда янги зафарлар тилашга икозат берайсизлар.

Тошкентнинг юбилей тантаналари совет халқи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашнинг кенг қулоқ ёздирган бир пайтда, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада жипслашган вазиятда ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва

1983 йил июнь Пленумлари, партияимиз Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроновнинг нутқлари партияимиз ленинча бош йўлини амалга оширишда, мамлакатни социал-иқтисодий ва маданият қурилишида янада ривожлантиришнинг энг самарали йўлларини белгилашда жуда муҳим босқичлар бўлди.

Совет халқининг бахт-саодати, унинг меҳнати ва турмуши учун тинч шароитларни таъминлаб бериш партияимизнинг программ мақсади экани мазкур Пленумларда ва нутқларда яна бир бор тасдиқланди. КПСС Марказий Комитети ва Сиёсий бюро мамлакатнинг иқтисодий ва муҳофаа потенциалини мустаҳкамлаш, совет кишилари фаровонлигини ошириш йўлини яқинлик билан ўтказмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь ва июнь Пленумларининг қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроновнинг нутқлари ҳўзирги шароитларда мамлакатни социал-иқтисодий ва маданият жиҳатдан ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларига чинакам ижодий ва новаторларча ёндашиш намунасидир. Улар етуқ социализм назариясини ривожлантиришда, жамиятимиз олдига турган иқтибод вазифаларининг, ривожланган со-

циализмни такомиллаштириш вазифаларининг харақтери ва моҳиятини аниқлашда янги катта қадамдир.

Партия меҳнаткашларининг бутун куч-гайратини социал-иқтисодий сиёсат ва маънавий тараққиётнинг энг муҳим соҳаларига марказлаштирмоқда. Бу соҳалар аввало иқтисодий ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси, унинг самардорлигини ўстириш, меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш, барча резерв ва имкониятлардан фойдаланишдан иборат. Бу соҳалар фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришда кенг жорий этишдан, ҳўжалик механизмининг такомиллаштиришдан, ишда интизом, тартиб ва ушшоқликни мустаҳкамлашдан иборат. Бу соҳалар социализмнинг энг муҳим принципларига қатъият билан риоя этишга — меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимлашдан, шахсининг манфаатларини коллектив ва умуман жамият манфаатлари билан тўғри бирга қўшишдан иборат.

Ҳўзир конкрет таъшилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иш биринчи ўринга чиқариб қўйилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми айна шу ҳолатга алоҳида эътибор берди.

Ўртоқ Ю. В. Андроновнинг Пленумдаги нутқида ҳўзирги шароитдаги идеология, оммавий-сиёсий ишнинг энг

муҳим мақсадлари, йўналишлари ва вазифалари белгилаб берилган, мамлакат олдига турган социал-иқтисодий ва маданият вазифаларининг бутун комплекс чўқур илмий таҳлил этилган. КПССнинг янги таъхирдаги Программасини таъйёрлашга оид принципал йўл-йўриқлар қўрсатилган.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми, СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси бизнинг партияимиз — коммунистик келажак йўлини юмил ишонч билан очиб бераётган кашшофлар партияси эканини бутун дунё олдига ишонарли куч билан яна бир бор намойиш этди. Тарихий сана—РСДРПнинг иккинчи съезди 80 йиллиги байрами бунинг зўр куч билан тасдиқланди. Бу съездда янги тинчдаги партия, Ленин партияси, Улуғ Октябр, социалистик ва коммунистик бунёдкорлик партияси тузилган эди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроновнинг нутқлари барча партия ташкилотлари барча партияимизнинг асоси бўлиб ҳимоят қилади.

(Давоми иккинчи бетда).


«ТОНЪСИ» газеталарга

8 сентябрь кунин Москвада пойтахт меҳнаткашлари намоиядаларининг Болгарияда социалистик революция ғалабасининг 39 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев ўз нутқида Болгария меҳнаткашларининг барча кўнрашга ўш хиссасини қўшишга тўла ўш эканлигини айтди.

барча қардош социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик билан мустаҳкам борлиқ эканлигини қайд этди. У БХР Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини қатъиян қўллаб-қувватлашини, империализм кирдиорларига қарши, тинчликни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатиш иши учун курашга ўш эканлигини қўшишга тўла ўш эканлигини айтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 9 сентябрда Мадриддан Парижга жўнаб кетди. У Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчилари бўлган давлатлар ташқи ишлар министрларининг учрашувида иштирок этган эди.



Суратда: Тошкентга Ленин ордени тошхирқ пайти.

ЎзТАГ фотохроникаси.

